

TOShKENT HAQIQATI

2023-yil
23-dekabr
SHANBA
№ 97 (13656)

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline_24

Haqiqat online

haqiqatonline_



QR-kod

МАЪНАВИЯТ БОШҚА СОҲАЛАРДАН ОЛДИНДА ЮРИШИ, ЯНГИ КУЧГА, ЯНГИ ҲАРАКАТГА АЙЛАНИШИ КЕРАК

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, ҳурматли Кенгаш аъзолари!
Муҳтарам ватандошлар!
Бугун сиз, азизлар билан ғоят муҳим масалаларни муҳокама қилиш ва улар юзасидан зарур ечимлар топиш учун йиғилдик.

Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг йиғилишида Олий Мажлис ҳамда Вазирлар Маҳкамаси раҳбарлари, ҳурматли депутат ва сенаторлар, вазирлар, ҳокимлар билан бирга миллий маънавият-миз фаоллари, маданият, адабиёт ва санъат соҳаси вакиллари ҳам иштирок этмоқда.

Барчангизга аён, юртимизда Президент ушбу Кенгаш раиси ҳисобланади. Худудларда эса биринчи раҳбарлар бу масала учун масъул этиб белгиланган. Нима учун шундай йўл тутдик? Чунки илм-фан, таълим ва тарбия, маънавият биз учун устувор масаладир.

Албатта, Янги Ўзбекистонни, Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш учун аввало унинг мустақам иқтисодий, моддий-техник асосларини яратиш керак. Бугун шу йўлда халқимиз билан биргаликда амалга ошираётган ишларимизда барчангиз фаол иштирок этмоқдасиз.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда иқтисодиётни чинакам бозор муносабатлари асосида ташкил этилган. Барча соҳа ва тармоқларда давлат иштироки камайитрилиб, хусусий мулк ва инвестицияларга, давлат-хусусий шериклик тамойилларига кенг йўл очилмоқда. Тадбиркорлар, фермер ва кластерлар учун қулай шароитлар яратиб беряпмиз. Ўзбекистонда "мажбурий меҳнат", "болалар меҳнати"га бутунлай чек қўйилди. Давлат буюртма-

си тизимини ҳам оптимал ҳолатга келтиряпмиз. Барча соҳаларга рақамлаштириш, "яшил" ва инновацион технологиялар жадал кириб бормоқда. Юртимизда янги-янги замонавий саноат ва энергетика мажмуалари, автомобиль ва темир йўллар, технопарк ва "ай-ти" парклари, "ақлли" ва электрон бошқарув тизимлари барпо этилмоқда.

Шаҳар ва қишлоқларимиз, бутун мамлакатимиз қиёфаси тубдан ўзгармоқда. Қисқа муддатда мактаб, мактабгача таълим, олий таълим, спорт ва туризм соҳаларини ривожлантириш бўйича улкан қадамлар қўйилди. Тиббиёт соҳасида ҳам чуқур ислохотлар олиб борилмоқда.

Аҳолини замонавий уй-жойлар билан таъминлаш борасида илгари тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган натижалар қўлга киритилмоқда.

Этибор қилинг, бу йил иқтисодий соҳага энг кўп – 134 триллион сўм маблағ ажратилди. Бу – 2016 йилга солиштирганда 5,6 баробар зиёд демакдир. Янги таҳрирдаги Конституцияимизда белгиланган **Ўзбекистон – иқтисодий давлат** деган қўйдангич амалий ҳаётимиздаги тасдиғини биргина ана шу мисолда ҳам аққол кўриш мумкин.

Бу ишлар дастлабки қадамлар бўлиб, келгусида янада кенгайиб боради.

Хабарингиз бор, бу йил "**Ўзбекистон – 2030**" стратегиясини қабул қилдик. Бу муҳим ҳужжатда ўз олдимизга аниқ мақсадлар қўйиб, маррани банд олдик. Ушбу стратегияга мувофиқ, 2030 йилгача япни ички маҳсулот ҳажмини 2 баробар ошириб, 160 миллиард долларга, аҳоли жон бошига даромад миқдорини эса ўртача 4 минг долларга етказишни режа қилганмиз.

Бугун жаҳон миқёсида тараққиёт суръатлари мисли кўрилмаган даражада шиддатли тус олмоқда. Айни вақтда азалий қадриятлар, иқтисодий-сиёсий қарашлар тизимида чуқур трансформация жараёнлари юз бермоқда. Илгари ўз мақсад ва манфаатларини асосан дипломатия ва сиёсат билан ҳимоя қилиб келган дунёдаги қудратли марказлар энди очикчасига босим ўтказиш, қарама-қаршилик ва тўнашувлар йўлига ўтганига ҳаммамиз гувоҳимиз.

Афсуски, бундай кенг кўламли ва ўта зиддиятли жараёнларнинг таъсири Марказий Осиё минтақаси ва унинг тарихий қисми бўлган мамлакатимизни ҳам четлаб ўтмаяпти.

Ана шундай ғоят мураккаб ва таҳликали вазиятда Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига жавоб берадиган тўғри йўлни топиш албатта осон бўлмапти. Биз дунёдаги узоқ-яқин барча давлатлар билан ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантиришга ҳаракат қиляпмиз.

Тарихдан маълум: Ватан ва халқ тақдирига нисбатан таҳдидлар кучайган вазиятда айнан миллат фидойилари – уйғоқ қалбли зиёлилар, шоир ва адиблар, санъат намояндалари, маънавият ва маърифат соҳаси ходимлари жасорат билан майдонга чиққанлар. XX аср бошларида халқимизни озодлик ва илм-маърифат учун курашга чорлаган жадид боболаримизни эспайлик.

Яқинда "Миллий тикланиш" газетасида Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзозиннинг "Жадидлар" деган шеърини ўқиб қолдим. Ҳурматли шоиримиз "Жадидлар" етишмаяпти, жадидлар", деб, бугунги кунда кўпчилик халқимизни, жумладан, мени ҳам қийнаётган саволларга жавоб излаган.

(Давоми 2-саҳифада) ▶

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 22 декабрь куни Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишида маънавият ва маданият фаоллари, адабиёт ва санъат намояндалари, шунингдек, Олий Мажлис палаталари, Вазирлар Маҳкамаси вакиллари, вазирлар ва ҳокимлар иштирок этди.

Маълумки, республикамизда ушбу Кенгаш раиси Президент, худудларда эса биринчи раҳбарлар ҳисобланади. Чунки илм-фан, таълим ва тарбия, маънавият устувор масаладир.

Давлатимиз раҳбари бунинг учун аввало мустақам иқтисодий асослар кераклигини таъкидлаб, шу борада амалга оширилаётган ишларни қайд этиб ўтди. Ушбу иқтисодий асос натижасида бу йил иқтисодий соҳага энг кўп – 134 триллион сўм маблағ ажратилди. Бу – 2016 йилга солиштирганда 5,6 баробар зиёд демакдир.

Бугун жаҳон миқёсида тараққиёт суръатлари шиддатли тус олгани, ўта зиддиятли жараёнларнинг таъсири мамлакатимизда ҳам сезилаётгани қайд этилди.

– Тарихдан маълум: Ватан ва халқ тақдирига нисбатан таҳдидлар кучайган вазиятда айнан миллат фидойилари – уйғоқ қалбли зиёлилар, шоир ва адиблар, санъат намояндалари, маънавият ва маърифат соҳаси ходимлари жасорат билан майдонга чиққанлар. Мамлакатимиз ўз тараққиётининг янги, юксак босқичга кираётган ҳозирги пайтда бизга жадид боболаримиз каби Ғарб илм-фан ютуқлари билан бирга, миллий қадриятлар руҳида тарбия топган етуқ кадрлар сув билан ҳаводек зарур, – дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Маърифатпарвар боболар ғояларини ўрганиш ва ривожлантириш бўйича Президент қарори қабул қилиниши белгиланди. Шунингдек, Бухородаги тарихий масканда Жадидлар мероси давлат музейи очилади, "Жадид" номли янги газета ташкил этилади.

Сўнги йилларда маънавий-маърифий соҳаларда катта ишлар амалга оширилмоқда. Маънавият ва иқтисодий қўллаб-қувватлаш мақсадли жамғармаси ҳамда Иқтисодий-маънавий тадқиқотлар институти ташкил этилди. Республика Маънавият ва маърифат маркази тизимидаги ходимлар сони икки қарра оширилди, уларни моддий рағбатлантириш чоралари кўрилди.

"Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисида"ги қонун қабул қилинган соҳа ривожига муҳим аҳамиятга эга бўлди. Миллий анъаналаримизни асраб-авайлаш ва бойитиш мақсадида Мақом, Бахшичилик ва Аския санъати марказлари ташкил этилди. Шунингдек, "Баҳор" рақс ансамбли, Давлат филармонияси, Давлат симфоник оркестри каби 20 дан ортиқ муассасалар фаолияти йўлга қўйилди. 11 та янги музей, 2 та театр, 28 та болалар мусика ва санъат мактаби, 5 та олий таълим муассасаси ташкил этилди.

Умуман, маданият ва санъат соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳажми 2017 йилга нисбатан 5 қарра ошиб, 2023 йилда бу мақсадлар учун 712 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.

"Мақом", "Бахшичилик", Хунармандчилик, "Лазги" каби халқаро фестиваллар анъанага айланди. 24 та хорижий мамлакатда, жумладан, қўшни давлатларда "Ўзбекистон маданияти кунлари" юқори савияда ўтказилди.

ЮНЕСКОнинг Инсоният номоддий маданий мероси рўйхатида яна 9 та миллий меросимиз намунаси, Бухоро шаҳри "Ижодкор шаҳарлар тармоғи"га киритилди. Шу йил сентябрда ЮНЕСКО Бош қароргоҳида буюк бобомиз Абу Райҳон Беруний таваллуди кенг нишонланди.

Кино санъатида ҳам янги асарлар пайдо бўляпти. Буюк саркарда ва улуг алломалар ҳақида тарихий фильмлар яратилди. Қарийб чорак асрдан кейин Тошкент халқаро кинофестивали қайта тикланди.

Пойтахтимизда Адиблар хиёбони, Ёзувчилар уюшмасининг мухташам биноси, худудларда янги ижод уйлари қурилди. Самарали ижод қилаётган адиблар имтиёзли асосда уй-жойлар билан таъминланди. Атоқли ижодкорларимизнинг таваллуд саналари нишонланди. Ёш истеъоддорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида Зомин семинари қайта тикланди.

Биринчи марта нашр этилган 100 жилдик "Туркий адабиёт дурдоналари", 30 жилдан иборат "Мустақиллик даври навоий-шунослиги", "Қорақалпоқ адабиёти дурдоналари", "Мард аскарга совға" сингари адабий мажмуалар маънавий ҳаётимизда муҳим воқеа бўлди.

(Давоми 3-саҳифада) ▶



Янги йил арчаси

Вилоятимиз аҳли ва меҳмонларига чинакам байрам кайфиятини улашади

Республикамизнинг барча худудларида бўлгани каби вилоятимизда ҳам Янги йил байрамини кўтаринки кайфиятда қутиб олиш тадбириги аллақачон бошланган.

Шукуҳ

Куни кеча вилоятнинг маъмурий маркази – Нурафшон шаҳридаги "Nurafshon business city" майдонида Янги йил арчасининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев, сектор раҳбарлари, ҳоким ўринбосарлари, бошқарма ва ташкилотлар раҳбарлари, маҳалла фаоллари, меҳнат фахрийлари ва ёшлар жамулжам бўлишди.

Маросим аввалида вилоят ҳокими майдонни айланиб, болажонлар қишки таътил кунларини мароқли ўтказишлари учун яратилган шароитлар билан танишди. Ташкилотчиларга зарур маслаҳат ва тавсияларини берди. Тадбирга келган фуқароларни яқинлашиб келаётган Янги йил байрами билан табриклади.

Ниҳоят оқшом чўкиб, майдон узра ранг-баранг чироклар порлади. Айниқса, асосий байрам томошалари ўтадиган майдонга ўрнатилган баландлиги 30 метрдан зиёд арчанинг ёғдуси кўзни қамаштиради. Атрофни байрам иштирокчиларининг олқишлари, болажонлар-

нинг қувноқ қийқириқлари босиб кетди.

Кўнгилочар тадбир вилоят филармонияси ва ёш ижрочилар тақдим этган концерт дастури билан бошланди.

Саҳнага Қорбобо ва Қорқиз кириб келишди.

– Биз йўл юриб, йўл юрсак-да, мўл юриб, Бўстонликнинг қорли тоғларидан, Паркентнинг гузал боғларидан ўтиб, Сизларнинг хурурингизга етиб келдик! – деди Қорбобо. – Энди Янги йилни бирга қутиб оламиз!

(Давоми 4-саҳифада) ▶

"БАЙРАМ РҲЙХАТИ"ГА МОС МАҲСУЛОТЛАР

Ярмарка

Янги йил киришига ҳам санокли кунлар қолди. Байрам муносабати билан вилоятимизнинг шаҳар ва туманлари марказлари ҳамда деҳқон бозорларида ташкил этилган савдо ярмаркалари хариддорларга қулайлик яратмоқда. Айниқса, бундай ярмаркаларда маҳсулотларнинг нархи ҳамёнбонлигидан аҳоли мамнун.

Хусусан, Урта Чирчиқ туманининг аҳоли гавжум жойларида 15 декабрдан озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ярмаркаси давом этмоқда.

(Давоми 4-саҳифада) ▶



"БАЙРАМ РҲЙХАТИ"ГА МОС МАҲСУЛОТЛАР



– Ярмаркани ташкил этишдан асосий мақсад – нарх-наво кескин олиш кетишининг олдинда олиш ҳамда аҳолига қулайлик яратиш, – дейди туман ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари Аббосжон Эргашев. – Ҳозирда тумanning 3 та ҳудудида савдо ярмаркалари ташкил этилиб, аҳоли учун 20 турдаги озиқ-овқат ҳамда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари арзонлаштирилган нархларда сотилмоқда. Ярмаркалар 15 январга қадар давом этиши режалаштирилган.

Тумanning олис ҳудудида жойлашган "Янгибод" маҳалласида ташкил этилган кўчма савдо расталари аҳолининг узогини яқин қилди. – Яқин атрофда бозорнинг йўқлиги фуқароларга бир мунча қийинчилик туғдирарди, – дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шавкат Тожибоев. – Байрам арафасида кўчма ярмарканинг келиши айни муддао бўлди. Ярмаркада барча турдаги озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари сотуви ташкил этилган. Маҳсулотлар ҳам сифатли, ҳам ар-

зон. Масалан, бир кг. гўшнинг нархи 60 минг сўм. Бошқа маҳсулотлар ҳам ҳамёнбон.

Шунингдек, Тошкент туманида ҳам 13 декабрдан шу каби ярмаркалар бўлиб ўтмоқда. Жумладан, "Келес деҳқон бозори"даги савдо расталарида 12 турдаги асосий озиқ-овқат ҳамда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари арзонлаштирилган нархларда сотилмоқда. Эътиборлиси, бозорга

8-10 минг нафардан ортиқ Янгийўл шаҳри ва тумани, Зангиота, Қуйи Чирчиқ, Чиноз туманларидан келган харидорларга хизмат кўрсатиляпти.

Айниқса, бозорда йўлга қўйилган 80 ўринли "Арзонлаштирилган қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари ярмарка"сида аҳоли гавжум. Сотувдаги маҳсулотлар Янгийўл, Қуйи Чирчиқ ва Чиноз туманларидан, шунингдек, Сирдарё, Жиззах ва Са-



бошқа ҳудудлардан ҳам фуқаролар келиб, харид қилиб кетиляпти.

– Янги йил байрами олдиндан бундай савдо ярмаркаларининг ташкил этилиши анъанага айланган, – дейди харидор Шохид Истамова. – Ҳар йили узоққа бормай, барча керакли озиқ-овқат маҳсулотларини шу ердан харид қилишга одатланганимиз. Муҳими, маҳсулотларнинг нархи ва сифати бизга маъқул.

"Ихтисослашган Янгийўл шаҳар деҳқон бозори" МЧЖда ҳам савдо қизгин. Айтиш жоизки, яқинда бажарилган қурилиш-реконструкция ишларидан сўнг бозор ҳудуди 3,7 гектарга кенгайтирилиб, савдо ўринлари сони 1 минг 488 тага кўпайтирилди. Ҳозир бозорда бир кунда ўртача

марқанд вилоятларидан олиб келинмоқда.

– Расталарга пешма-пеш етказиб берилётган маҳсулотларнинг нархи бозордагидан 20 фоизга арзон, – дейди МЧЖ раҳбари ўринбосари Мухсинжон Тешабоев. – Ярмаркада 32 турдаги озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари сотилмоқда. Шунингдек, Янги йил байрами тасвирлари туширилган совғалар, арча ўйинчоқлари, ранг-баранг безаклар ҳам харидорларга манзур бўлмоқда.

Мазкур ярмарка 10 январга қадар давом этади.

Суҳробжон САДИРОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири
Жалолиддин ЭСОНОВ
олган суратлар



TOSHKENT HAQIQATI
TASHKENTSKAYA PRAVDA

Muassis:
TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI



"Toshkent haqiqati" va "Tashkentskaya pravda" gazetalarini tahrir hay'ati:

Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay'ati raisi)

Umrat MIRZAQULOV

Hotamjon SAYDAHMEDOV

G'afurjon MUHAMEDOV

Sirojiddin ESHQUVVATOV

Tohir ARIPOV

Mahmud TOIR

Uskenboy ATEMOV

Abdulla XURSANOV

Mahmudjon BOLTABOYEV

Kumush EGAMBERDIYEVA

Olimjon BEGALIYEV

Zarifa ERALIYEVA

Sergey MUTIN

Bosh muharrir:

G'ayrat SHERALIYEV

Qabulxona:

(55) 520-64-95

Bosh muharrir o'rinbosari:

(55) 520-04-10

Mas'ul kotib:

(55) 520-05-10

Bo'lim muharrirlari:

(55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E'lonlar va hisob-kitob bo'limi:

(55) 520-21-20

e-mail: toshkenthqiqati@uamail.uz

Mas'ul kotib:

Alloma AZIZOVA

Navbatchi:

Suhrobjon SADIROV

Bosishga topshirish vaqti - 21.00.

Bosishga topshirildi - 01.00

Nashr ko'rsatkichi - 205.

Buyurtma G-1231.

4 317 nusxada chop etildi.

Hajmi - 2 taboq. Ofset usulida bosildi. Qog'oz bichimi A-2.

Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida

2011-yil 12-yanvarda

03-001 raqami bilan ro'yxatga olingan.

Manzil:

111500, Nurafshon shahri, Toshkent yo'li ko'chasi, 90.

Toshkent shahridagi ofisimiz: Bektemir tumani, Ittifoq ko'chasi, 2.

ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati» tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo'jayev tomonidan sahifalandi.

Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.

Korxonasi manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

123456

Мана гап

Бугун фақат аҳмоқона гап айтиш, бемаъни қилдиклар қилиш, фаросатсизларча шахсий ҳаётини кўз-кўз қилишнинг ўзи камлик қилади – буларнинг барчасини албатта ижтимоий тармоқларга ҳам жойлаштириш керак.

Анна ШАГИНЯН
Ж. Сафоев таржимаси

Янги йил арғаси

Вилоятимиз аҳли ва меҳмонларига чинакам байрам кайфиятини улашади

Қорбобо ва Қорқиз қувноқ куй-қўшиқлар садолари остида байрам иштирокчилари даврасини айланиб, болажонлар айтган шеър ва қўшиқларни тинглашди.

Байрам тадбирлари 2023 йилнинг 22 декабридан 2024 йилнинг 10 январигача давом этади. Болажонлар бу ерда нафақат таникли санъаткорлар ва эстрада хонан-

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

далари ижросидаги чиқишларни, балки ўзлари китобларда ўқиб, фильмларда томоша қилган эртак қаҳрамонлари билан ҳам учрашиб, кўнгилочар дастурларнинг иштирокчиси бўладилар.

Худудда суратга тушиш майдончалари, турли кўнгилочар нукталар ҳам ташкил этилган. Айниқса, ранг-баранг чироқлар билан безатилган йўлақлар турли рангда товланиб ўзгача манзара яратган.

Байрамнинг асосий қаҳрамонлари болажонлар учун қизиқарли ўйин қурималари, тури аттракционлар ўрнатилди. Шунингдек, ширинликлар растаси, арзонлаштирилган кўчма савдо ярмаркалари иш бошлади.

Вилоятимиз аҳли ва меҳмонларини шуқуҳли байрам сайилларига чорлаймиз!

Ўз мухбиримиз
Жалолиддин ЭСОНОВ
олган суратлар

Кўпқари ОРИ БОРЛАР БЕЛЛАШУВИ

Пискент туманидаги автодромда республикамизнинг турли вилоятлари ва қозоғистонлик 700 нафарга яқин чавандозлар иштирокида улоқ-кўпқари мусобақаси бўлиб ўтди.



Маълумки, кўпқари – Марказий Осиё халқлари чавандозлари ўртасида кенг тарқалган мусобақа. Қадимдан сайиллар, ҳосил ва Наврўз байрамларида умумхалқ ўйинлари қаторида кўпқари ўйналган. Чавандозлар қаерда кўпқари бўлаётгани ҳақида эшитса, от чоптириб келаверишган.

Сўнги йилларда юртимизда бу спорт турига алоҳида эътибор қаратилиб, федерация ташкил этилди. Федерациянинг вазифаси – от спортини ривожлантириш, мусобақаларда ҳақиқий чавандозларни саралаб, халқаро турнирларга жўнатиш.

– Бугун яхши ният билан от чоптираётган чавандоз йигитларимизни халқаро мусобақаларда ҳам кўришни истайман, – дейди пискентлик меҳнат фахрийси Ориф ота. – Кўпқари – ори борлар беллашуви. Бугунги мусобақада ҳам турли вилоятлардан келган чавандозлар улоқ айириляпти. Уларнинг ҳаммаларига омад ёр бўлсин. Яқунда мусобақа ғолиблари турли совринлар билан мукофотландилар.

Тўхтамурод ҲАСАНБОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири
Жалолиддин ЭСОНОВ
олган сурат



Асқад МУХТОР,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

* Ўзингни эмас, ўзгаларнинг нодонлиги ҳам ёзишга ҳалақит берарди.

* Китоб – бойлик. Лекин сотиб олгани эмас, ўқилгани.

* Лаганбардор бошлиқнинг эриш нуктасини билади.

* Талант ҳақида қуёниб гапирганларнинг ҳаммаси ҳам талантли бўлавермайди. Чунки ҳеч ким ўзини талантсизман деб ўйламайди.

* Кичкина бир яхшилик қилиш учун ҳам одам (балки буюк одам) бўлиш керак; катта ёмонлик қилишга кичик одам ҳам қодир.

* Кичкина бир аҳмоқдан кўрқинг (масалан, у "қизил" тугмачани босиб юбориши мумкин).

* Одиссей арвоҳларни ўзи билан суҳбатлашишга кўндириш учун уларга ўз қонидан бериб ти-

рилтиради. Ёзувчи тарихий шахслар ҳақида ёзганида шундай қилиши керак.

* Ёзувчи ёлғонни тўқийди-ю, ҳақиқатни ёзади.

* Шамол шамни ўчиради.

Шунга ўхшаб, айрилиқ ҳам шунчаки хушторлиқни совитиши мумкин, чин муҳаббатни эса ўт олдиради.

* Ҳақиқат – худодир: уни ҳамма билади-ю, ўзини ҳеч ким кўрмаган.

* Ўзимизда бўлган туйғуларни яшириш туйғуларни ёки ўзимизда бўлмаган туйғуларни ифодалашми? Шукур Бурхон менинг бу саволимга шундай деб жавоб берган эди: иккаласига ҳам артистизм керак.

* Бахт – бойликда, десангиз, ҳамма бахтсиз. Чунки ақлига кўп нарса керак эмас, аҳмоқ эса барибир туймайди.

* Агар айб фақат бир томондагина бўлса, урушлар узоқ давом этмас эди.

* Шоир бўлиш яхши, шоирлик даъво қилиш ёмон.

Биллур бисотдан

* Икки маҳбус қамоқхона панжарасидан ташқарига қараб тураркан, бири ахлат уюмини кўрибди, бири – юлдузларни...

* Авваллари яшаш учун ёздим, энди ёзиш учун яшамокданман.

* Бой бўлиш учун кўп нарсани қурбон қилиш керак: ҳаловат, саломатлик, гоҳо балки виждонни

"Энди ёзиш учун яшамокдан..."

("Тундалиқлар" дан)

* Даҳолар ўз касблари доирасидан чиқиб кетадилар. Фалончи – шоир, фалончи – олим, аммо Навоий – Навоийдир, Эйнштейн – Эйнштейн.

* Милтиқ ҳар отганда ўзи сесканиб орқага тисариллади.

* Олма нега қизаради? Балки, Одам Атонинг Момо Ҳаво қулোগи га шивирлаган гапларини эслаётгандир?..

* Қалам сўзининг соясини чизади.

* Бойлиқни бойлик қилган – ўзимиз. Агар унга бунчалик сифингмасак, у бир тийинга арзимас эди.

* Мих болғадан қочиб қутуламан деб, тахтага кириб кетди.

* Оҳандорлиги билангина эмас, мазмунан ҳам қофиядош сўзлар кўп: тош-дош, оҳанг-жанранг, замон-ёмон...

ҳам... Йўқ, меним бунга қурбим келмайди, мэн унчалик бадавлат эмасман.

* Ҳаёт шундай ажойиб мўъжизаки, ўлим унинг эвазига берилган арзимас бождир.

* Ишламаган тишламайди, дерди амалдор. Ўзи эса ҳамон тишларди. Чунки унинг иши шу.

* Меҳмон яхши-да! Келганида бир хурсанд бўласиз, кетганида – яна.

* Меҳнатни роҳатга айлантиришни ҳаёл қилар эдик, роҳат меҳнатга айланди.

* Ўргимчак шамолдан нимадир тияяпти...

* Юрак қони билан ёзган одам узун ёзолмайди.

* Кимнингдир ёзганига офарин, кимнингдир ёзмагани учун раҳмат.